O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
NAVBAHOR TUMANI
HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
Х О К И М А
НАВБАХОРСКОГО РАЙОНА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Навбаҳор тумани Бешработ қўрғони.
2019 у.(й) “20” июн

Navbahor tumani Beshrabot qo’rg’oni
№ К-1284

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида.

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4241-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тумандаги мавжуд барча қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналари 2019 йил 1 июндан 2019 йил 30 ноябрга қадар техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Туманда 2019 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 1-иловага, иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Навбаҳор тумани бўлими Техника ҳолати ва агротехник тадбирларни назорат қилиш шўъбаси катта инспектори (А.Ризоқулов)га:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4241-сонли қарорининг 4-бандига мувофиқ қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини техник кўрикдан ва давлат рўйхати ҳисобидан ўтказиш топширилсин.

4. Туман Давлат солиқ инспекцияси (Э.Шокиров) ва туман статистика бўлими (Й.Мустафоев)ларга қонунда белгиланган тартибда кейинги ҳисобот даврида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналарини ҳисоботларида акс эттириб қабул қилиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 24 январдаги “Туманда 2019 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги Қ-270-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (В.Санақулов)га мазкур қарорни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминлаш топширилсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Карабоев зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **Л.Облақулов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI NAVBAHOR TUMANI HOKIMI DEVONI
UMUMIY BO'LIM

Туман ҳокимининг
“20” декабрь 2019 йил
1234-сонли қарорига
1-илова

Туманда 2019 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш бўйича

ИШЧИ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

1.	А.Ризоқулов	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Навбахор туман бўлими катта инспектори, **ишчи гурух рахбари**
2.	Э.Мансуров	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Навбахор туман бўлими инспектори, **ишчи гурух рахбари ўринбосари**
3.	А.Ходжаев	Туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, **ишчи гурух рахбари ўринбосари**
		А Ъ З О Л А Р И
4.	Н.Худойназаров	Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
5.	С.Турдиев	“Навбаҳор Агросервис МТП” МЧЖ раҳбари
6.	Ж.Худойбердиев	Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томарқа ер эгалари Кенгаши раиси
7.	З.Нурмуродов	Туман ИИБ ЙҲҲБ бошлиғи
8.	З.Зиёдуллаев	АТБ “Агробанк” туман филиали бошқарувчиси
9.	Э.Шакиров	Туман ДСИ бошлиғи
10.	Й.Мустофоев	Туман Статистика бўлими бошлиғи
11.	К.Нурназаров	Туман Давлат хизматлари маркази директори

Туман ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича бош мутахассиси
И.Ашуров

Туман ҳокимининг
“20” июнь 2019 йил
324 -сонли қарорига
2-илова

Туманда 2019 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш

ИШ РЕЖАСИ

№	Техника номи	Техника русуми	Техник кўрикдан ўтказиш муддати	Техник кўрикдан ўтказиш манзили	Техник кўрикдан ўтказиш санаси
1.	Хайдов тракторлари	Магнум, Арион-630с, TS-130, TS-135, Т-6070, ВТ-150 ва бошқалар	09:00-16:00	“Навбаҳор Агросервис МТП” МЧЖ ҳамда фермер хўжаликлари	Ҳар ойнинг биринчи 10 кунлигида
2.	Чопиқ трактори	ТТЗ-8011, МТЗ-80, ТТЗ-100 НС ва бошқалар	09:00-16:00		
3.	Транспорт трактори	ТТЗ-8010, МТЗ-82, Т-28х4МС ва бошқалар	09:00-16:00		
4.	Трактор тиркамалари	2 ПТС 4-793	09:00-16:00		01.08.2019 йил 31.08.2019 йил
5.	Ғалла ўриш комбайнлари	Кейс, Класс ва бошқалар	09:00-16:00		01.06.2019 йил 30.06.2019 йил
6.	Культиваторлар	КРХ-4	09:00-16:00		02.07.2019 йил 28.07.2019 йил
7.	Мелиоратив техникалар	ЭО-652, ЭО-4111, ЭО-3211 ва бошқалар	09:00-16:00		Ҳар ойнинг иккинчи 10 кунлигида
8.	Чигит экиш сеялкалари	Кейс, СЧХ-4	09:00-16:00		01.12.2019 йил 28.12.2019 йил
9.	Ер текислагичлар	П-4	09:00-16:00		01.12.2019 йил 28.12.2019 йил
10.	Омочлар	ПЯ-3-35, ПОН3-1 ва бошқалар	09:00-16:00		01.10.2019 йил 28.10.2019 йил
11.	Чезиллар	ЧКУ-4А	09:00-16:00		01.12.2019 йил 28.12.2019 йил
12.	Тишли бороналар	БЗ-1,0	09:00-16:00		01.12.2019 йил 28.12.2019 йил
13.	Пуркагичлар	ОВХ-600, ВП-1	09:00-16:00		01.08.2019 йил 18.08.2019 йил
14.	Минерал ўғит сепгичлар	РМУ-0,5	09:00-16:00		01.12.2019 йил 28.12.2019 йил
15.	Ўт ўргичлар ва зичлаб боғлагичлар	Кир-1,5 ва Класс	09:00-16:00		01.06.2019 йил 30.06.2019 йил
16.	Юклагичлар	LW-500F, XG-955 H	09:00-16:00		Ҳар ойнинг иккинчи 10 кунлигида
17.	Дон экиш сеяялкалари	С3-3,6	09:00-16:00		01.08.2019 йил 30.08.2019 йил
18.	Машина-трактор парклари ва устахоналарининг асбоб ускуналари	ВД-201, 1м63н, 21н16м, тд-317, м2888, нт-350	09:00-16:00		Ҳар ойнинг учинчи 10 кунлигида

ВМ ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси туман бўлими бошлиғи **А.Холмурзаев**